



2020 у « 11 » апрель

№ Қ-162

« » 20 г

**Бандихон тумани “Сайроб” массиви
худудидан “BANDIXON YANGIOBOD”
xususiy korxonasiga ер майдони ажратиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/171-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 11 мартдаги 01-02/54-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/171-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандихон тумани “Сайроб” массиви худудидан “BANDIXON YANGIOBOD” xususiy korxonasiga туман ҳокимлиги захира ер фондидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 1189қ-дала контуридан жами 5,50 гектар яйлов ер, шундан 5,0 гектарига интенсив боғ ташкил этиш учун доимий эгаллик ҳуқуқи билан ва 0,50 гектарига “Ғишт ишлаб чиқариш заводи” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “BANDIXON YANGIOBOD” xususiy korxonasiga “Ғишт ишлаб чиқариш заводи” қуриш учун ажратилаётган 0,50 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 6 678 030 (олти миллион олти юз етмиш саккиз минг ўттиз) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов